



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 6 июнь, жума

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 111 (12.672)

Баҳоси эркин нарҳда



Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари пойтахтимиз, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида бўлиб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш, қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар, юртдошларимиз билан суҳбатлашдилар.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, озиқ-овқат экинлари еклидиган майдонларни кенгайтириш, фермерлик ҳаракатини ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилган туб ислохотлар самарасида мамлакатимиз тарихан қисқа даврда озиқ-овқат мустақиллигига эришди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 31 октябрда қабул қилинган «2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни ва бошқарувини ташкиллаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори озиқ-овқат саноатининг изчил тараққий этишида муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Халқаро конференция иштирокчилари Тошкент шаҳридаги «Gold Dried Fruits» масъулияти чекланган жамияти, «Green World» Ўзбекистон — АҚШ — Жанубий Корея, «Lazzat Karamel» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхоналарида бўлиб, озиқ-овқат саноати соҳасида эришилаётган ютуқлар билан танишди.

2013 йилда ташкил этилган «Gold Dried Fruits» корхонаси қурилган сабзавот маҳсулотлари ва зираворлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Юздан зиёд ишчи меҳнат қилаётган корхона бир кунда 120 тонна ҳосилни қайта ишлаш қувватига эга. Маҳсулотларнинг 90 фоизи экспорт қилинмоқда.

«Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳаларида изчил ривожланаётган мамлакат, — дейди **Атроф-муҳитни ўрганиш институти директори, профессор Майкл ЭДЕЛЬШТЕЙН (АҚШ)**. — Мамлакатингизга ҳар гал келганимда улкан ўзгаришларнинг, барча соҳада қўлга киритилаётган янги-янги ютуқларнинг гувоҳи бўламан. Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Бу жиҳатдан Тошкентда ўтказилаётган халқаро конференция гоҳат муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон кўркам бог-роғлари, ширин-шакар мевалари билан дунёга машҳур. Қуёш нурига тўйинган бундай мазали меваларни бошқа ҳеч қайси мамлакатда учратмаганман».

Чет эл инвесторларининг мамлакатимизга сармоя киритишга қизиқиши тобора ошмоқда. Буни мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларидаги қатор сармоявий лойиҳаларда фаол иштирок этаётган хориж компаниялари мисолида ҳам кўриш мумкин. Пойтахтимиздаги «Green World» Ўзбекистон — АҚШ — Жанубий Корея қўшма корхонаси ана шундай муассасалардан.

Бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан турли шарбатлар, мураббо, шинни ва консервалangan тузламалар тайёрланади. Бежирим қадоқланаётган мева шарбатлари юқори сифати, хуштаъм ва табиийлиги билан ажралиб туради.

«Президент Ислам Каримовнинг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистонда ҳар соҳа, жумладан, озиқ-овқат саноати изчил тараққий этаётганининг гувоҳи бўлдик, — дейди **Кордоба вилоятининг Фермерлар уюшмаси президенти, Ишбилармонлар палатаси раиси Игнасио Фернандес де МЕСА (Испания)**. — Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Бу мамлакатингизда бозор иқтисодиётига оид ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган улкан ютуқларнинг халқаро ҳамжамият, хусусан, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки каби кўплаб йирик молия муассасалари томонидан эътироф этилишида ўз ифодасини топтоқда. Конференция иштирокчилари учун уюштирилган бизнес-учрашувлар, қатор корхоналар фаолияти билан танишув мамлакатингиз иқтисодий салоҳияти ҳақида бой тасаввурга эга бўлиш имконини бермоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар, улардан тайёрланаётган шарбатлар юқори сифати, хуштаъмлиги ва табиийлиги билан ҳавасимизни тортди. Меваларнинг бу қадар кўплиги, турларининг хилма-хиллиги, бир-биридан мазалилиги бизни лол қолдирди. Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, мавжуд муносабатларни янада мустаҳкамлаш ниятидамиз».

(Давоми 2-бетда)

Дунё нигоҳи

«МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИГА МУҲИМ ҲИССА ҚЎШМОҚДА»

Жорий йил 13-14 май кунлари Урганч шаҳрида бўлиб ўтган «Баркамол авлодни тарбиялашда маҳалла институтининг роли» мавзусига бағишланган халқаро давра суҳбатининг чет эллик иштирокчиси сифатида Бонн шаҳридаги Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти вице-президенти **Д. Бранденбургер «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида мазкур тadbирнинг якунлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.**

— Ўзбекистон бўйлаб сафарим менга замонавий ўзбек жамиятидаги маҳалла институтининг фаолияти билан яқиндан танишиш имконини берди, — деди у. — Хоразмдаги маҳаллалардан бирига борганимиз биз учун жуда қизиқarli ва эсда қолarli бўлди. Мазкур маҳалла ишлари билан танишар эканман, ушбу институт жамиятининг ноёб ва мустаҳкам асоси эканлигига яна бир қарра амин бўлдим. Шуниси жуда муҳимки, маҳалла ўзини ўзи бошқариш масалалари баробарида, ёшларнинг таълим олишига қўмаклашиш билан ҳам шуғулланади. Бу Ўзбекистоннинг яхши тажрибаси ҳисобланади ва у Германия учун қизиқarliдир.

Юртингизга сафарим чоғида мамлакатингиз мустақиллик йилларида барча соҳаларда диққатга сазовор муваффақиятларни қўлга киритганига гувоҳ бўлдим. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона ва узоқни мўлжаллаган сиёсат туфайли халқ ҳам, давлат ҳам тараққиёт йўлидан одимламоқда. Маҳалла институти эса Ўзбекистон тараққиётига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Урганчда бўлиб ўтган халқаро давра суҳбати менга Бонн шаҳридаги Германия — Ўзбекистон дўстлик жамиятидаги ишларини янада фаоллаштириш учун қўшимча рағбат бахш этди. Яқин вақт ичида Германияда ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши мавзусига бағишланган бир неча тadbирлар ўтказишни режалаштирганмиз. Бундан қўзланган мақсад республикангизнинг замонавий тараққиётда, шу жумладан, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликнинг таъминлишида ҳамда миллатлараро ва динлараро бир-бирини тўғри тушунишнинг мустаҳкамланишида маҳалла институтининг ўрнини ёритиш билан изоҳланади.

«Жаҳон» АА.
Берлин



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

• Сирдарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши ҳамкорлигида «Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашнинг қонунчилик асослари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Андижонда «Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари ўртасида ўтказилган танловда жамоалар ўзларининг иш фаолиятига оид кўргазмалар, интернетга кириш, маълумотлар олиш, веб-сайтлар ҳамда электрон почтадан фойдаланиш борасидаги билим ва малакасини синовдан ўтказди.

• Денов туманида «Бирлашиб биз катта кучмиз» шиори остида бўлиб ўтган ёшлар фестивалида ўн етти нафар коллеж битирувчисига умумий қиймати 82 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

• Гулистон шаҳрида Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан ёшлар ва атроф-муҳит мавзусида экологик акция бўлиб ўтди. Сирдарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, халқ таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда ўқувчи-ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Ҳиндистонда Телангана номли янги йигирма тўққизинчи штат ташкил этилди. Янги штатнинг ташкил этилиши жараёни расман штат бош вазири Калавакумта Чандрапекара Раонинг қасамёд қилиш маросими билан якунига етди.

• 1921 йил 5 майда машҳур парфюмер Коко Шанель томонидан тақдим этилган машҳур Chanel №5 атири таркибида аллерген борлиги аниқлангани боис келгусида ўзига хос бетакрор ифоришни йўқотиши мумкин. Шу ҳолат туфайли Еврокомиссия тез орада парфюмерия ишлаб чиқарувчи фирмалар учун қатъий қоидалар ўрнатиб, ушбу саноатда қўллаш мумкин бўлмаган моддаларни тақиқламоқчи.

• ФИФА 2022 йилги жаҳон чемпионатининг мезбонини аниқлаш бўйича янги сайлов ўтказиши мумкин. Мазкур ташкилот вице-президенти Жим Бойс бу масалада ижрокўмга таъсир ўтказишни мумкинлигини қайд этган. Агар Қатарнинг турнир мезбонлигини Муҳаммад Бин Ҳаммам ижрокўм аъзоларини сотиб олганлиги туфайли қўлга киритганлиги аниқланса, қайтадан овоз бериш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Шу ўринда бу ишни расман ФИФAnинг ахлоқшунослик бўйича қўмитаси раҳбари Майкл Гарсия кўриб чиқаётганлигини айтиб ўтиш лозим.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотлари орасида «Lazzat Karamel» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланаётган 30 турдаги ширинликлар истеъмолчиларга маъқул келаётди. «Lazzat Karamel» йилига тўрт минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

«Ташкилотимиз Ўзбекистон билан кўп йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келаётди, — дейди **Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорацияси раисининг ўринбосари Халед Мухаммад Ал-АБУДИЙ**. — Ўзбекистондаги корхоналарнинг фаолияти йил сайин такомиллашиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, сифати тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. «Асака», «Asia Alliance» каби ўнга яқин банклар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келямиз. Шу пайтгача кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир, хусусан, Ўзбекистондаги 172 корхонани молиялаштиришга оид қўллаб-қўшма лойиҳаларни амалга оширдик. Келгусида қўшма лойиҳаларимиз қамрови янада кенгайди, деган умиддаман. Мамлакат иқтисодиётини тараққий эттириш борасида Президент Ислон Каримов томонидан олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ».

Меҳмонлар Тошкентдаги «Фарход» деҳқон бозорида ҳам бўлдилар.

«Компаниямиз озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланади, — дейди **OTTO Young Heung Groceries** компанияси президенти **Сео Хюн СУ (Жанубий Корея)**. — Конференция доирасида пойтахтимиздаги қурилган сабзавотлар, турли шарбатлар, консервалangan маҳсулотлар ва ширинликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган қатор корхоналарда бўлиб, маҳсулот тайёрлаш жараёни билан яқиндан танишдим. Ўзбекистон бозорлари ўзининг бетакор жозибаси, тўқинлиги билан доврқ қозонган. «Фарход» деҳқон бозоридаги файзу баракани кўриб, дилим яйради. Конференция доирасида «Green World» ва «Arktika Bottlers» корхоналари маҳсулотларини сотиб олиш бўйича яқин ҳамкорлик ўрнатиш ниятидаман».

Хориқлик меҳмонлар Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги «Истиклол» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, бу ерда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойлар билан танишди.

Мазкур маҳаллада ижтимоий-маданий, маиший хизмат қўрсатиш иншоотлари пухта ишлаб чиқилган режа, замонавий меъморлик лойиҳалари асосида қурилган. Маҳалла гузарига қад ростдаган супермаркет, нон цехи аҳолининг эҳтиёжларига мос фаолият қўрсатмоқда.

«Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида қурилаётган янги уй-жойлар лойиҳалари пишиқ ва ҳар томонлама қўлай эканига ишонч ҳосил қилдик, — дейди **«Plantrees»** компаниясининг савдо бўйича директори **Каролин ЛАМБЕР** хоним (Бельгия). — Лойиҳада оила аъзоларининг барча эҳтиёжлари инобатга олинган. Хонадонлар газ, электр энергияси, ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган, ҳудудда мини-маркетлар фаолияти йўлга қўйилган. Нон цехида тайёрланаётган элик турдаги нон маҳсулотларидан татиб кўрдик. Кенг, батартиб, файзли кўчалар, ҳовлиларда яшаб турган дараклар, гулларнинг тароватидан баҳри-дилингиз очилди. Мамлакатингиздаги тинчлик, ободлик ва фаровонликка ҳавасим келди».

«Тошкент бoғ-роғлари» масъулияти чекланган жамиятида нон, олма ва олхўри етиштирилмоқда. 50 гектарда жойлашган интенсив боғдан ўтган йили



дастлабқи ҳосил олинди.

«Ўзбекистон мева-сабзавот ва узум етиштириш бўйича дунёнинг қўллаб-даватлари орасида етакчи ўринни эгаллайди, — дейди **«DISYS»** компанияси бош ижрочи директори **Ким Ки ХВАНГ (Жанубий Корея)**. — Бу Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги бўлиб, аниқ илгарилар кетганидан далолатдир. Корхонамиз фермер хўжаликларига мобил телефон ёрдамида иссиқхоналарни назорат қилишга мўлжалланган технологияларни тақдим этади. Юртингизда фермерларга яратилаётган имтиёزلарни ҳисобга олсак, бу технологиянинг соҳага татбиқ этилиши мулкдорларни ахборот технологиялари билан таъминлаш имконини беради».

«Ўзбекистонда сабзавотларни қадоклаш бўйича илғор тажриба тўпланган, — дейди **«Junction XerVICES»** компанияси ижрочи директори **Дар ЯП хоним (Сингапур)**. — Консервантлар ва кимёвий қўшимчаларсиз тузланган бодиринг таъми озғимда қолди. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва текстиль саноати ривожлангани ҳақида эшитганман. Қайта ишлашнинг бунчалик юксалгани ҳақида билмас эдим. Бу ерда фаолият юритаётган ёшларнинг ғайрати, корхонадаги тозалик, санитария меъёрларини кўриб ҳайратда қолдим».

Халқаро конференция иштирокчилари Зангиота туманидаги «Master Delikatesov» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишди. Мазкур корхона ўтган йили 1 миллион 800 тонна қолбаса маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб берди.

«Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталик, бозорлардаги тўқин-сочинликка ҳавасим келди, — дейди **«Путра»** университетининг муҳандислик факультети декани, профессор **Азмий бин Дато ЯХЁ (Малайзия)**. — Ҳозир қўллаб-даватларда нотинчликлар, озиқ-овқат тақчиллиги юз бермоқда. Нарх-навони кузатиб, ўзимизники билан таққослаб кўрдик. Нархлар жуда арзон. Энг муҳими, маҳсулотларнинг барчаси экологик соф ва табиий. Бундай тўқинлик, арзончилик, мўл-кўлчиликка шукр қилиш, унинг қадрига етиш зарур».

Халқаро анжуман иштирокчиларининг бир гуруҳи Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Самарқанд туманидаги «Оҳалик олтин боғи мева-сабз» фермер хўжалигида 680 гектар майдонда интенсив боғ ташкил этилган. Бу ерда йилига 10 минг тонна мева етиштирилмоқда. 2013 йилда 3

миллион доллар миқдорида даромад олинган. Хўжаликда етиштирилаётган меванинг 2,5 минг тоннаси қайта ишланиб, ўнга яқин мамлакатга экспорт қилинмоқда.

«Ушбу фермер хўжалигида интенсив технология асосида яратилган боғлар менда катта таассурот қолдирди, — дейди **Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича уюшманинг лойиҳа раҳбари Паулина МОР хоним (Германия)**. — Мевалар таъми ва хуш бўйи билан алоҳида ажралиб турибди. Экинларни томчилаб сугориш усули ҳам ўзига хос. Боғдорчиликка ихтисослашган Германиянинг қўллаб-қувватлаш бўлими Ўзбекистон билан мазкур йўналишда ҳамкорлик қилишга қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистонда етиштирилаётган барча турдаги мевалар, жумладан, қуруқ мевалар жаҳон бозорида юксак қадрланади».

2002 йилда ташкил этилган «Агромир Самарқанд» қўшма корхонаси нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатлар бозорида ҳам ўз харидорига эга. Корхонада мева-сабзавотлардан консервалangan маҳсулотлар, мева шарбатлари ва нектарлар ишлаб чиқарилади. Улар қатор мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

«Ушбу қўшма корхона фаолияти билан танишиб, ўзим учун катта тажриба ортирдим, — дейди **«Great Lakes Agro Energy»** компаниясининг бош технологи **Жон Марк ХАКНИ (АҚШ)**. — Бу ерда илғор технологиялар ва халқаро андозалар асосида ишлаб чиқарилаётган турли шарбатлар ва консерва маҳсулотларининг таъми оғизда қолади. Мазкур корхонада ўрганганларимни, ортирған тажрибамни компаниямизда қўллаш ниятидаман. Компаниямиз мамлакатингиз билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан манфаатдор».

Меҳмонлар Самарқанддаги Регистон ансамбли, Амир Темур мақбараси, Мирзо Улуғбек расадхонаси ва бошқа тарихий обидаларни катта қизиқиш билан томоша қилди, шаҳарда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Нодира МАНЗУРОВА, Бобур ОБИДОВ, Сайёра ШОЕВА, Ирода УМАРОВА, Ўза махсус мухбирлари Сарвар Ўрмонов, Аъло Абдуллаев, Отабек Мирсоатов ва Алишер Исроиллов (ЎЗА) олган суратлар

ЁШ МУТАХАССИСЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари учун яרבатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар, замонавий маданият, иқтисодиёт, илм-фан, техника ва технологиялар ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг самарали тизимини шакллантириш мамлакатимизни ривожлантиришнинг муҳим шарти экани таъкидланган. Коллеж ва олий ўқув юртли битирувчиларини иш билан таъминлаш бу борадаги муҳим вазифалардан биридир.

Ёш, иқтидорли ва истиқболли мутахассисларга ўз ишини топишга қўмаклашадиган бўш иш ўринлари ярмаркаси айнан ушбу мақсадга қаратилган. Пойтахтимиздаги олий ўқув юртли талабалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги қирқдан ортиқ корхона, 12 компания ва давлат ташкилотлари томонидан тақдим этилган 500 дан зиёд бўш иш ўринлари билан танишди.

Корхонамиз фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилган, — дейди «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонасининг Информатика ва ҳисоблаш техникаси маркази бошлиғи Владимир Лозовой. — Биз таклиф қилган 14 бўш иш ўрнига ўттиздан зиёд ариза келиб тушди. Яқин вақтлар ичида суҳбат ўтказиб, энг яхши мутахассисларни ишга қабул қиламиз.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ҳам қизиқарли таклифларни тақдим этди. Компания қўрсатилаётган хизматлар қўламини мунтазам кенгайтириб бораётгани боис ёш ва иқтидорли мутахассисларга эҳтиёж сезилмоқда. Сугурта фирмалари, оммавий ахборот воситалари соҳаси ташкилотлари томонидан таклиф этилган бўш иш ўринлари таълим муассасалари ўқувчилари эътиборини ўзига тортди.

Бўш иш ўринлари ярмаркаси мен ўзим хоҳлаган ишни топишим учун яхши имкониятдир, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг тўртинчи босқич талабаси Жаҳонгир Мадулаев. — Чунки бу ерда қўллаб-қувватлаш иш ўринлари тақдим этилган. Бир неча сўровномани тўлдирдим ва яқин кунларда суҳбатдан ўтаман.

Ярмарка ахборот-коммуникация соҳасида ёш мутахассисларга бўлган талаб ортиб бораётганини яққол намойиш этди, шунингдек, иш бериувчилар ва ўқув муассасалари ўртасидаги мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

ТЕЖАМКОРЛИК ОМИЛИ

Бугунги кунда энергия тежайдиган лампалардан мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва аҳоли хонадонларида кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Чикиндилар тўғрисида»-ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 сентябрдаги «Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўшлаш ва уларни утилизация қилишнинг ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори бу борадаги ишларда муҳим омили бўлмоқда.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида симобли лампаларни демуркуризация қилишга ихтисослашган ўнла корхона фаолият юритмоқда. 2012 — 2013 йиллар мобайнида улар томонидан қарийб бир миллион дон шундай лампа зарарсизлантирилди. Пойтахтимиздаги «NEO Sun Light» масъулияти чекланган жамияти ана шундай фаолиятга ихтисослашган.

Экология ҳафталиги доирасида ушбу корхонага медиатур ташкил этилди. Ўзбекистон Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда депутатлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, эколог олимлар, журналистлар иштирок этди.

Корхонада йилига тўрт миллион дон энергия тежайдиган лампа ишлаб чиқарилади. Корхона цехларида ўрнатилган замонавий технологиялар атроф-муҳитга салбий таъсир етишининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

2012 йилда бу ерда яроқсиз ҳолга келган лампаларни утиллаштиришга ихтисослашган цех ишга туширилди. Ўтган йили ушбу цехда корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳолидан қабул қилинган ўттиз минг дон муддатини ўтаб бўлган лампа зарарсизлантирилди.

Корхона директори ўринбосари Ибодулло Шукуронинг айтишича, ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, янги техника ва технологияларни кенг жорий этиш, янги маҳсулот турларини ўзлаштириш, иш ўринларини кўпайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Медиатур иштирокчилари корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти, чикиндиларни утиллаштириш жараёни, янги технологиялардан фойдаланиш қўламини кенгайтиришга йўналтирилган лойиҳалари билан танишди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш кўни ҳамда «Экологик ҳафталик» доирасида «Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Маълумки, бутун дунёда рўй бераётган глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ жараёнлар ер юзидagi экотизим барқарорлиги, иқтисодиёт ривож ва инсон саломатлигига жиддий путур етказмоқда. Шу сабабдан экология, атроф-муҳит муҳофазаси, ер, сув ва қайта тикланмайдиган энергия захираларини тежаш, биохилма-хилликни сақлаш масалалари жаҳон ҳамжамиятининг диққат-марказида турибди. Бу борада мамлакатимизда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини муҳофазаси қилишга қаратилган ҳамда тегишли халқаро нормаларга мос ҳуқуқий база яратилган бўлиб, давлатимиз БМТнинг атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш ва барқарор тараққиёт соҳасидаги энг муҳим конвенциялари ҳамда бошқа халқаро ҳужжатларни ратификация қилиб, зиммасига олган барча мажбуриятларини бажариб келмоқда. Бу мамлакатимиз аҳолисининг маънан бой ва соғлом ҳаётини таъминлашдаги асосий шарт ва омиллардан биридир.

Айни кунларда ўтаётган «Экоҳафталик — 2014»нинг мавзуси ҳам иқлим ўзгариши ва бу билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш, улар оқибатида юзга келаётган иқлим шароитларига мослашиш масалаларига қаратилганлиги билан эътиборга моликдир.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, тадбирда сўз

олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Экологик ҳаракат ижроия қўмитаси Марказий кенгаши раиси Б.Алихонов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўринбосари А.Усмонов, Тошкент Давлат юридик университетининг ректори Е.Каньязов, Табиатни муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Аб-

бевосита боғлиқлигини таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, мамлакатимизда мустақилликка эришилгандан сўнг атроф-муҳитни муҳофазаси қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги, ушбу қонунларда табиатни муҳофазаси қилиш, табиий объектлардан оқило-

Экоҳафталик — 2014

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

дусаматов ва бошқалар атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш ва мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларни қонун билан тартибга солишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш инсоният ҳаёти учун муҳим аҳамият касб этиши, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги кун ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу масаланинг ижобий ҳал қилинишига

на фойдаланиш ва аҳолининг экологик ҳавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг мақсади, вазифаси, табиий ресурсларнинг ҳуқуқий ҳолати, ушбу соҳада юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари каби бир қатор экологик-ҳуқуқий қоидалар ўз аксини топганлигига эътиборни қаратдилар.

— Экологик муаммолар жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган ҳамда глобал муаммога айланган ҳозирги даврда «Экоҳафталик» доирасида

ўтказилаётган анжуманлар янада долзарб аҳамият касб этади, — дейди Тошкент Давлат юридик университети ўқитувчиси Гўзал Узоқова. — Шу боис ҳам юртимизда табиат муҳофазасига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, шу йўналишни тартибга соладиган қонунчилик базасини бугунги кун талаби даражасида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик ҳавфсизлигини таъминлаш борасида 20 дан ортиқ муҳим қонунлар, юзлаб қонуности ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинган. 2013 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»-ги қонунининг қабул қилиниши бу соҳадаги қонунчилик тизимининг янада тўлақонли бўлишига хизмат қилади. Мазкур қонунда экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, давлат муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва бошқа жамоат ташкилотларининг мазкур соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, атроф-муҳит муҳофазасига доир чора-тадбирлар белгиланган.

Анжуман давомида билдирилган фикрлар, таклиф ва тавсиялар ўйла-мизки, мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши соҳасидаги зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилишига, самарали илмий тадқиқот ишларининг олиб борилишига хизмат қилади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ЖАҒАПЛИК

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Замин гаройиботлари»
Х/ф.
7.25 «Икким»
7.30 Миллий сериал: «Фидойилар»
8.00 «Тахлилнома»
8.40 «Усимликлар дунёси»
Х/ф.
9.30 «Кўнгил ободлиги»
9.55 «Икким»
10.00 «Рухшун»
10.45 «Финли ва унинг дўстлари»
М/с.
11.00 «Ахборот»
11.10 «Ватанпарвар»
11.55 «Табият оғушида»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Мен ва У»
13.25 «Чашмалар»
13.40 «Юрган - дарё»
14.00 «Ахборот»
14.15 «Худоят сари»
14.35 Миллий сериал: «Чемпионлик орусси»
15.05 «Хайт»
15.30 «Икким»
15.55 «Идман олисда»
17.00 «Ахборот»
17.10 «Эркин фикр»
17.20 «Ахборот»
17.35 «Икким»
17.40 «Аёл ва замон»
18.00 «Кўнгил қўшиқ истаиди»
18.15 «ТВ-шифокор»
18.20 «Корачик»
18.40 «Рухшун»
19.25 «20.00, 20.55 Эълонлар»
19.30 «Ахборот»
20.05 «Навий бустонидан»
20.10 Миллий сериал: «Бедор туйғулар»
21.00 «Ахборот»
21.40 «Муносабат»
22.10 «Кўнгил қўшиқ истаиди»
22.25 «Сокин уй»
23.00 «Икким»
23.15 - 23.40 «Замин гаройиботлари»
Х/ф.
23.40 Курсатувлар дастури.
23.45 «Мен ва У»
00.10 «Кўнгил ободлиги»
00.30 Миллий сериал: «Чемпионлик орусси»
1.00 «Ахборот»
1.30 ТелеТабри: «Парвона»
1-кисм.
2.10 «Шарк тароналари»
2.20 «Ватанпарвар»
2.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот»
4.40 Миллий сериал: «Фидойилар»
5.00 «Икким»
5.35 - 5.55 «Юрган - дарё»
Ёшлар
6.00 «Ватан меҳри»
6.10 «Таранг»
7.00 «Мушкулларнома»
7.50 «Испан афсонаси»
8.40 «Ешлик наволари»
9.00 «Қаҳус»
9.50 «ЎзЕХ»
10.00 «Қаҳус»
10.10 «Мехмонхоналардан айланай»
11.10 «Мадонун наволари»
11.30 «Шарк гавҳари»

12.00 «Паро»
12.50 «Телетўғра»
13.00 «Дар»
13.10 «Савдои посбон»
14.50 «Юрт келажиги»
15.00 «Нукта назар»
15.20 «ЎзЕХ»
16.00 «Дар»
16.10 «Изоғлар»
17.00 «Қаҳус»
17.10 «Автопатруль»
17.20 «Савдои посбон»
17.30 «Самраат»
18.50 «ЎзЕХ»
19.00 «Дар»
19.20 «Испан афсонаси»
20.50 «Аскар»
21.40 «Ватанпарвар»
22.00 «Дар»
22.30 «Оушнинг 11 дўсти»
Б/ф.
00.30 «Ватан меҳри»
00.40 «Қаҳус»
00.50 «Қишлоқда тенгдошим»
1.10 «Шарк гавҳари»
1.40 «Унутилмас охланлар»
2.10 «Савдои посбон»
3.50 «Мумтоз наво»
4.10 «Сўз ёшларга»
4.40 «Аскар»
5.30-6.00 «Дар»

Тошкент

5.00 «Салом, Тошкент!»
6.10 «Хамса»
7.00 «Пойтахт»
7.20 «Ҳазил гушани»
7.30 «Тошкент тароналари»
7.45 «Интеллектуал аукцион»

ДУШАНБА, 9

8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 Мультсериал: «Чип ва Дейл»
9.30 Миллий сериал: «Қайтар дунё»
10.05 «Гулгунлар»
10.20 «Йилари»
10.30 «Пойтахт»
10.45 «Тафаккур ўйинлари»
Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё»
14.00 «Пойтахт»
15.15 «Танни нуктаси»
15.40 «Интеллектуал аукцион»
15.55 «Саргузаштлар ороли»
16.20 Мультсериал: «Айиқча Гамми»
16.45 «Бизнес-пойтахт»
16.50 «Икки тақдир»
17.00 «Телетўғра»
17.30 «Эко-пойтахт»
17.40 «Эртанинг ағзалари»
18.00 «Интервью»
18.10 «Пойтахт йўлларида»
18.30 «Пойтахт»
18.45 «Бахт қўргони»
19.25 «Тошкент тароналари»
19.40 «Теле-маркет»
19.55 «Йилари»
20.00 «Пойтахт»
20.30 «Менинг маҳаллам»
20.50 Миллий сериал: «Қисмат битиги»
21.30 «Теле-маркет»
21.45 «Ёз ифори»
22.30 «Пойтахт»
22.50 «Бархатнинг қўли»
Х/ф.

00.20 «Всё о туризме»
00.50 «Области тьмы»
2.30 «Жизнь в микромире»
3-кисм.
3.20 «Уйларим»
3.25 «Бизнес-пойтахт»
3.30-5.00 Хинд киноси: «Девона қалб»
1-кисм.

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Курсатувлар тартиби.
6.10 «Қорақалпоқ спорт»
6.25 АНОНС.
6.30 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика. «Спортландия»
6.55 «Sport Test»
7.00 «SPORT-EXPRESS»
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 АНОНС.
8.35 Интерфутбол.
10.15 АНОНС.
10.20 «Ораулар кемаси»
10.50 «Sport rekordlar»
10.55 Велоспорт «Тур де Франс»
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-EXPRESS»
13.00 АНОНС.
13.05 Авто-мотоспорт.
13.55 «Sport ensiklopediya»
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 «Шоҳхулағи йўл»
15.00 Теннис. «Ролан Гаррос» турнири.
16.10 АНОНС.
16.15 Интерфутбол.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Болалар майдончаси»

Россия

04.00 Утро России
08.00 «Золото инков»
08.55 «О самом главном»
Ток-шоу.
10.00 Вести
10.30 Вести-Москва
10.50 Вести. Дежурная часть
11.00 «Специальный следствия»
12.00 «Общий случай»
13.00 Вести
13.30 Вести-Москва
13.50 Вести. Дежурная часть
14.00 «Дамская»
15.00 Сериал «Пока станица спит»
16.00 Вести
16.45 Вести-Москва
17.05 Вести. Дежурная часть
17.15 «Прямой эфир»
17.30 Вести-Москва
19.00 Вести
19.50 Спокойной ночи, малыши!
20.00 Сериал «Чужая жизнь»
23.45 Торжественная церемония закрытия XIV-го кинофестиваля «Кинотавр»

НТВ

04.00 Информационный канал «НТВ утроем»
06.40 Сериал «Возвращение Мухоморова»
08.00 Сегодня
08.20 Сериал «Возвращение Мухоморова»
08.55 До суда
11.00 Сегодня
11.25 Суд присяжных. Окончательный вердикт
12.35 Дело врачей
13.35 Обзор. Чрезвычайное происшествие
14.00 Сегодня
14.25 Прокрустовская проверка
15.40 «Говорим и показываем»
Ток-шоу с Леонидом Заскошанским
16.35 Обзор. Чрезвычайное происшествие
17.00 Сегодня
17.30 Остроумный юмористический сериал «Икорный барон»
19.25 Детективный сериал «Легавый»
21.35 Сериал «Дознаватель - 2»
23.30 «Исповедь юбиляра. К юбилею Е.И. Чазова»
00.20 Дикторский мир
01.05 Детективный сериал «Зверобой»
02.00 Сериал «Москва. Три вокзала»

Первый канал

04.00 Телеканал «Доброе утро»
07.00, 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
